

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири
А. Ариповга

Хурматли Абдулла Нигматович,

Бутун дунёда Коронавирус пандемияси кечаётган ушбу таҳликали даврда мамлакатимиз Президенти ва Сиз бошчилигингиздаги Махсус комиссия фаолияти нақадар мураккаб жараёнларни ўтаётгани ҳамда мамлакатимиз осойишталиги ва халқимиз саломатлиги йўлида куну-тун қилинаётган ишлар одамларимизда сабру-бардош ва эртанги кунга умид уйғотаётганини барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз. Бундан бутун халқимиз қатори биз – кинематография арబоблари ва мутахассис ходимлари чексиз миннатдормиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Сиз томондан сўнгги йилларда миллий кинематография соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётгани мамлакатдаги соҳа мутахассисларини қувонтиради. Мамлакатимизда ривожлантиришга ҳамда юкори савияга кўтаришга муҳтож бўлган кўплаб соҳаларда давлатимиз Раҳбари ва Сиз томондан бир қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Катта масъулият ва меҳнат талаб этилаётган ушбу даврда миллий кинематография соҳасини ҳам қайта жонлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани учун давлатимиз Раҳбари ва Сизга чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Ўзингизга маълум, соҳани ривожлантириш учун унда фаолият юритаётган мутахассислар ва ижодкорлар ҳамда бошқа субъектларни бирлаштириш ва ягона (тўғри) мақсад йўлида самарали меҳнат қилиш талаб этилади. Ягона мақсадни белгилаб бериш ҳамда самарали меҳнат шароитларини яратиб беришда давлатнинг хусусан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамда у томондан олиб борилаётган сиёсатнинг аҳамияти ва ўрни жуда муҳим ҳисобланади.

Соҳада узоқ йиллар давомида турғунлик юзага келганига қарамай сўнгги уч йилликда ушбу ҳолатни ўзгартириш йўлида бир қатор жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Буни 1991 йилдан бошлаб ҳозирга қадар кино соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган **20 тадан ортиқ** Президент ва Ҳукумат қарорларининг ярмидан ортиғи сўнгги уч йилликда қабул қилинганилигидан алоқадорлигидан кўриш мумкин.

Мазкур ислоҳотлар келгусида албатта ўз самарасини ва ижобий натижасини беришига шубҳа йўқ. Энг асосийси, соҳани ривожлантириш суръати ва шиҷоатининг сўнишига, киноижодкорларнинг олиб борилаётган ислоҳотларга ишончи йўқолмаслигига асло йўл кўймаслик зарур.

Келтириб ўтилган мулоҳазаларнинг мантиқий давоми сифатида 2019 йилнинг сентябрь ойида Ф.Абдухаликов “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори этиб тайинланди. Бош директор тайинланган куниданоқ соҳа вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказди ҳамда ислоҳотлар давом этиши ҳакида бир қатор фикрлари билан ўртоқлашди. Дастлаб бир неча ой давомида соҳа мутахассислари ва ижодкорлар иштирокида турли форумлар, йиғилишлар ва тадбирлар ўтказилди. Соҳадаги мавжуд муаммоларга танқидий ёндошган ҳолда тақдимотлар, лойиҳалар тайёрланди. Ушбу жараёнларда бир неча

ой давомида бутун “Ўзбеккино” Миллий агентлиги тизими, соҳа вакиллари, мутахассислар ва ижодкорлардан иборат 500 нафардан ортиқ киши бевосита иштирок этди.

Бироқ мазкур тадбирлар, тақдимотлар кейинчалик байрам тадбирларига уланиб кетди. Борган сари кераксиз тадбирларнинг миқёси ва кўлами ортиб борса бордики лекин ҳеч қандай ижобий натижалар кузатилмади. **Афусуси, мазкур ҳолат ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда.**

Шу билан бирга, соҳада ислоҳотлар ўтказиш ва уни ривожлантириш борасида бир қатор ислоҳотларни амалга ошириш режалари тузилди, қатор тадбирлар ташкил этилди. Бироқ, бу режалар ва тадбирлар номига, гўёки янги раҳбарият томонидан “Ўзбеккино” Миллий агентлигидаги **“катта ишлар”** амалга оширилаётганлигини кўрсатиш учун фақат **“пиар”** мақсадида қилинди. Улар учун миллионлаб маблағлар сарфланган баландпарвоз ишлар вақтинча бўлиб, кино соҳасини ривожлантиришга хизмат қиласлиги, аксинча вақт ўтиши билан соҳани ортга кетишига олиб келиши бугунги кунга келиб ҳақиқатга айланди.

Мазкур мурожаатни Сизга йўллашимиздан асосий мақсад бугунги кунга келиб миллий кинематография соҳасини ривожлантириш эмас, балки ҳеч бўлмаганда бор обрўсини йўқотиб, уни хароб қилишдан саклаб қолишдан иборат.

Шу мақсадда ҳозирги кунда миллий кинематография соҳасидаги ҳақиқий ҳолатни ушбу соҳа жонкуярлари бўлган мутахассислар ва киноижодкорлар номидан Коронавирус пандемияси билан боғлиқ оғир вазиятда бўлишимизга қарамасдан Сизга баён этишга мажбурмиз.

Биринчи, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида фаолият юритадиган Бадиий кенгаш раиси Агентлик бош директорнинг ижодий ишлар бўйича биринчи ўринбосари этиб белгиланиши, аъзолари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилиши Ҳукуматнинг 2018 йил 22 ноябрдаги 947-сон қарори билан тасдиқланган Низомда белгиланган.

Шунга карамасдан, Ҳукумат қарори билан ўрнатилган тартиб бош директорга маъқул келмай, **“якка ўзим ҳал киламан”** қабилида, Бадиий кенгаш томонидан коллегиал ҳал этилган масалаларни тўхтатиб қўйиш амалиётини жорий эта бошлади. Шунингдек, қўл остидаги ходимларга ва Бадиий кенгаш аъзоларига ўз лавозимини сустеъмол қилган ҳолда таъсир ўтказиш орқали Бадиий кенгаш бошқарувини ўз тизгинига олиш ва ўзига мақбул аъзоларни кенгаш таркибиға киритиш учун турли ҳаракатлар авж олди.

Хусусан, жорий йилнинг март ойида Агентлик бош директорини Бадиий кенгаш раиси сифатида белгилаш тўғрисида буйруқ қабул қилиниб, унинг таркибиға шу кунга қадар Бадиий кенгаш аъзолари сифатида ишлаб келган тажрибали ижодкорлар ўрнига кино соҳасига алоқаси бўлмаган шахслар киритилди.

Шу билан бирга, Бадиий кенгаш қарорларига асосан аввалги йилларда ишлаб чиқаришга туширилган фильмлар учун маблағлар ўтказиб берилишини тўхтатиш, кечиктириш ҳолатлари одатга айланди. Давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқаришга туширилган бир қатор бадиий ва бадиий-публицистик, хужжатли, мультиликацион ва қисқа метражли фильмларнинг барчаси жорий йилда тугатилиши ҳамда топширилиши режалаштирилган эди. Масалан, 15 та

бадиий ва бадиий-публицистик, 10 та ҳужжатли, 5 та мультиликацион ва 6 та қисқа метражли фильмлар шулар жумласидандир. Бироқ ҳозирги кунга келиб кўплаб фильмларни ишлаб чиқарилишини молиялаштириш ҳали ҳам амалга оширилмасдан тўхтатиб қўйилган.

Бунинг натижасида кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришда иштирок этган ижодкорлар ва мутахассисларга **ойлик маошлари тўланмай қолмоқда**. Айниқса ҳозирги вактда бу ҳолат ишчилар кайфиятига қаттиқ таъсир кўрсатиб, уларнинг асосли норозилигига сабаб бўлмоқда.

Бадиий кенгаш қарори билан ишлаб чиқаришига туширилиб, суратга олиш ишлари давом этаётган фильмларнинг бадиий-ғоявий мазмунини Бадиий кенгашнинг тавсиясиз, якка тартибда ўзгартиришга уринишлар кузатилмоқда. Баъзи фильмларни ишлаб чиқариш бўйича тузилган шартномалар асосида уларни қисман молиялаштирган ҳолда қолган маблагни ўтказиб бермасдан “ўзинг излаб топ” қабилида муносабат билдирилмоқда. Ваҳоланки, мазкур фильмлар давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилаётган фильмлар бўлиб, давлат мулки ҳисобланади.

Хукуматнинг 2019 йил 19 авгуистдаги 695-сон қарори билан тасдиқланган Низомга кўра 2020 йилда ишлаб чиқариладиган янги фильмлар бўйича кинолойихалар танлов ўтказиш йўли билан саралаб олиниши лозим эди. Низомда танлов ҳақида эълон бериш муддати **10 февралга қадар** белгиланганлиги ҳамда танловни 2019 йилнинг ноябрь ойидаёқ бошлаш ҳақидаги таклифларга қарамасдан, танлов ўтказишга **факатгина 7 февраль куни** рухсат берилди. Шундан сўнг, бир ой давом этган танловда кўплаб кинолойихалар қабул қилинган бўлсада, бироқ бош директор томонидан Бадиий кенгаш таркибини янгилаш мақсадида ушбу кинолойихалар Кенгаш муҳокамасига киритилмади, фильмларни ишлаб чиқаришга тушириш бўйича қарорлар ўз вақтида қабул қилинмади.

2020 йилнинг апрель ойи ўтиб боришига қарамасдан ҳамон биронта янги фильм ишлаб чиқаришга туширилмади, янгиланган Бадиий кенгаш бирон марта йиғилиш ўтказмади, ҳаттоқи унинг янги аъзолари билан шартномалар имзоланмади. Натижада жорий йилда янги фильмларни ишлаб чиқариш ва намойиш этиш эҳтимоли жуда пастлигича қолмоқда.

Иккинчи, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги марказий аппарати ходимлари орасида шу даражада **тушкун ҳолат** юзага келганки, Коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият иккинчи ўринга ўтиб қолган. Бош директор тайинланган кундан бошлаб амалий ишлар ўрнига ҳаммани медасига теккан тақдимотлар тайёрлаш жараёни ҳамон давом этмоқда. Ходимларнинг бутун таркиби асосий иши четда қолиб, доимий равишда шу каби тақдимотлар ва турли хил слайдлар устида ишлашмоқда.

Жорий йилнинг март ойида бош директор ўринбосарлари ҳамда бошқа мутахассисларнинг эътироzlарига қарамасдан Агентлик Марказий аппаратининг ташкилий тузилмасига асоссиз ўзгартириш ва кўшимиchalар киритилди. Марказий аппарат бошқарув ходимлари сони бор-йўғи 22 кишини ташкил этсада, тузилмага 2 нафар бош директор маслаҳатчиси, 2 та бўлим, 2 та хизмат, 3 та сектор каби янги таркибий бўлинмалар киритилди ҳамда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги фаолиятига умуман алоқаси бўлмаган “Фан ва таълим”, “Меценатлик” ва “PR” йўналишлари ташкил этилди.

Марказий аппарат ходимларига тинимсиз равищада ўз ваколатлари ва лавозим йўриқномаларига кирмайдиган вазифалар бажаришни ноқонуний равища талаб этиш, ушбу ноқонуний вазифалар бажарилиши устидан назорат ўрнатиш ҳамда бажарилмаганлиги учун огохлантиришлар ва ҳайфсан бериш амалиёти қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, ходимларни ярим тунгача ишлатиш, дам олиш ва байрам кунлари ишга чакириш ҳамда тинимсиз равища режалаштирилмаган мажлислар ва йигилишлар ўтказиш одатга айланган.

Коронавирус пандемияси муносабати билан ходимларни меҳнат таътилига чиқариш, онлайн (масофавий) иш режимига ўтказиш бўйича ходимларнинг розилигисиз меҳнат қонунчилиги талабларига зид равища буйруқлар қабул қилинган, баъзи ходимлар қўрқитиш ва таҳдидлар натижасида **ўз лавозимларидан озод этилган**. Хатто бош директор ўринбосари (Н.Махмудов)ни ҳеч қандай ариза ва огохлантиришларсиз ўз ҳисобидан меҳнат таътилига чиқариш ҳақида буйруқ қабул қилинган.

Маълумки, Агентлик тизимидағи ташкилотлар (5 та киностудия, 3 та кинопрокат, кинофонд ва киномузей) фильмлар ишлаб чиқариш, уларни намойиш этиш ҳамда сақлаш фаолияти билан шуғулланади. Ҳозирда фильмлар ишлаб чиқариш фаолияти тўхтатилган. Шунингдек, Коронавирус пандемияси даврида фильмлар намойиши ҳам амалга оширилмаяпти. Лекин шунга қарамай бош директор томонидан кунлик, ҳафталик ва ойлик иш режалар ва ҳисботларни топшириш вазифалари доимий равища талаб этилмоқда ҳамда бажармаганлик учун корхона раҳбарларига **кетма-кет огохлантиришлар ва ҳайфсан эълон қилинмоқда**.

Ҳар кунлик, ҳафталик ва ойлик иш режаларини ишлаб чиқиш ва ҳисбот беришда камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий жазолар берилдиши ходимларнинг ишга бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатиб, оқибатда мантиқсиз ва сифатсиз ҳужжатлар тайёрланишига, Президент қарорлари ва Ҳукумат топширикларида назарда тутилган зарур ва муҳим ҳужжатлар лойиҳалари лойиҳалигича қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, Марказий аппаратга шартнома асосида бир қатор ходимлар, жумладан хориж фуқаролари ноқонуний равища ёлланган ва уларга Агентлик фаолиятининг барча йўналишларида штатдаги ходимлар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи берилган. Фуқаролик-ҳуқукий шартномалар асосида ёлланган ишчиларнинг бажарадиган вазифалари аниқ белгилаб берилмаган ёки улар бажарадиган вазифалари асосланмаган. Бироқ, уларнинг ойлик маошлари штатдаги ходимлар маошларидан бир неча баравар кўпроқ бўлиб (хатто баъзилари билан валютада хақ тўлаш бўйича шартномалар имзоланган), уларнинг асосий вазифаси марказий аппарат ходимлари ва тизим ташкилотлари фаолиятини назорат қилишдан иборат. Бунинг натижасида, Агентликда кадрлар қўнимсизлиги юзага келиб, ўзбилармончилик кайфияти хукмрон бўлиб қолмоқда.

“Ўзбеккино” Миллий агентлигининг бутун тизими ходимлари ўз иши билан шуғулланмасдан кетма-кет тадбирларни ўтказиш учун ташкилий масалаларни ҳал этиш, видеороликлар тайёрлаш, баннерлар чиқариш, фуршетлар ташкил қилиш каби ишларга банд этилмоқда.

Шунингдек, Агентлик раҳбарининг қабул кунлари белгиланмаганлиги сабабли, бош директор томонидан ходимлар ва бошқа фуқароларни

иш кўплигини рўкач қилиб қабул қиласлик, соатлаб ва ҳаттоки бир неча қунлаб куттириш, улар билан ниҳоятда қўпол, ҳақоратли сўзлар ишлатиб муомала қилиш ҳолатлари авж олган.

Учинчи, Президент ва Хукумат қарорларида берилган вазифаларни бажариш ўрнига доимий равища кераксиз тадбирлар ва форумлар ўтказиш кўпайиб бормоқда. Сўнгги ярим йил ичидаги ўндан ортиқ тадбирлар ташкил этилган бўлиб, уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар 1 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этади. Бош директорнинг ўзи муентазам равища мақсадсиз хорижий сафарларга чиқиши, хорижий меҳмонларни кутиб олиш ва уларнинг ҳаражатларини “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳисобидан қоплаш одатга айланган.

Ўтказилаётан тадбирларда ва хориж сафарларида чет эл кинокомпаниялари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш масаласида шартномалар, келишувлар ва меморандумлар имзоланиши тантанали равища бўрттириб кўрсатилмоқда. Аслида ушбу келишувлар аҳамиятсиз бўлиб, улар юзасидан конкрет шартномалар имзоланмаганлиги, уларнинг номига фақатгина **кўзбўямачилик** ва жамоатчиликни алдаш учун қилинаётганлигини англаш мумкин.

Масалан, 2019 йилнинг декабрь ойида ўтказилган Халқаро кинофорумда Бутунроссия давлат кинематография институти билан 400 минг АҚШ долларига шартнома имзоланганлиги эълон қилинди. Бироқ, БДКИ ректори мазкур шартномани аҳамиятсиз ва кераксиз эканлигини таъкидлаб, институт шартномани талабаларнинг ўзи билан имзолашини билдирган. Бироқ, шунга қарамай шартнома имзоланганлигини тантанали равища кўрсатиш учун бош директор ташаббуси билан шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилди ва имзоланди.

Россиянинг “СТВ”, “Инферно”, “Союзмультфильм” ва бошқа кинокомпаниялар билан тантанали равища меморандумлар имзоланди. Бу орқали мамлакатга инвестиция кириб келаётганлиги ҳақида кўпиртириб гапирилди ҳамда ОАВда кўп миллионлик лойиҳалар амалга оширилаётганлиги ҳақида эълон қилинди.

Хусусан, жорий йилнинг март ойида оммавий ахборот воситаларида “Коронавирус пандемияси туфайли умумий қиймати 25 млн. АҚШ долларини ташкил этган кинолойиҳалар тўхтатилди” деган **ёлғон маълумотлар** тарқатилди. Ҳақиқатда эса, тарқатилган хабарларда келтирилган маълумотлар кинолойиҳаларнинг умумий бюджети ҳисобланиб, унинг бир қисмигина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сарфланиши бўйича режалар тузилган ва музокаралар олиб борилган холос.

Бундан ташқари, бош директорнинг шахсан ўзи шу йилнинг ўзида Куала-Лумпур, Москва, Минск ва Берлин каби шаҳарларга расмий сафарлардан ўз шахсий мақсадлари йўлида фойдаланиб, гўёки ушбу сафарларда катта лойиҳалар ва келишувларга эришилгани ҳақида ОАВда маълумотлар тарқатилди. Бироқ, ушбу сафарларда эришилган келишувлар натижаси эълон қилинмади, улар юзасидан амалий ишлар давом эттирилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил декабрь ойидаги Японияга давлат ташрифи муносабати билан “Ипак торлари” фильмини тайёрлаш доирасида бош директор топшириғи асосида Эстония кинокомпанияси

билин ҳамкорликда “Инсон” киностудияси томонидан фильм тайёрланди. Бироқ, Эстония кинокомпанияси билан келишилган шартлар “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан тўлиқ бажарилмаганлиги сабабли, Эстония кинокомпанияси томонидан билдирилаётган жиддий норозиликлар эътиборсиз қолдирилмоқда.

Худди шундай, 2019 йилнинг январь ойида Малайзия кинокомпаниялари билан учрашувлар ўтказиш учун бош директор томонидан қарийб икки ҳафта давомида сафар уюштирилишига қарамасдан бор йўғи икки кун давомида учрашувлар ташкил этилган. Натижада музокалар тўлиқ амалга оширилмаганлиги учун қайтадан учрашувлар ўтказилишига тўғри келган. Шунга қарамай Малайзияда ҳамкорлик келишувларига эришилгани ҳақида ОАВда кўплаб маълумотлар тарқатилган.

“Тадбирбозлик” ва “пиарчилик” фаолиятини самарали ташкил қилиш ва юқори савияда олиб бориш учун бош директор томонидан Агентлик таркибида бир неча ўнлаб ходимдан иборат ишчилар гурухлари ташкил этилган, ЭОАВМА тизимида ишловчи ходимлар доимий равишда жалб этилиб келинмоқда, ЭОАВМА таркибига кирувчи телеканаллар ва газеталардан усталик билан фойдаланиб келинмоқда.

Тўртинчи, Агентлик бош директорининг қатъиятсизлиги ва қарор қабул қилишдаги эътиборсизлиги натижасида хусусий киностудиялар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларга оммавий намойишни амалга ошириш учун бир марталик рухсатнома бериш масаласида Ҳукуматнинг 2018 йил 14 декабрдаги 1012-сон қарори талаблари бузилмоқда. Натижада кинематография соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари поймол этилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Рухсатнома олиш учун улар томонидан топширилган аризалар ўн беш иш куни ичida кўриб чиқилиши белгиланган бўлсада, бош директор томонидан рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш муддати хатто **51 иш кунигача** чўзилган ҳолатлар кузатилмоқда. Ф.Абдухаликов раҳбар бўлиб тайинлангунинг қадар бундай қонун бузилиш ҳолатлари бўлмаган.

Бундан ташқари, хусусий студия томонидан ўз маблағлари ҳисобига ишлаб чиқарилган фильмлар Экспертлар кенгаши кўригидан ўтказилишига қарамасдан, уларнинг бадиий-гоявий мазмунига бош директор томонидан ўзгартиришлар киритиш талаб этилмоқда. Бу ўзгартиришлар қўшимча эпизодларни суратга олишни талаб этишини инобатга олиб, бош директор томонидан хусусий студияларга маблағ ажратишга асоссиз ёлғон ваъдалар берилган. Бироқ, маблағлар ажратилмаганлиги билан бирга, уларга рухсатнома ҳам берилиши тўхтатиб кўйилган. Натижада хусусий студиялар фильмини намойиш этишга рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 июндаги 169-сон қарори асосида хорижий кинокомпанияларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фильмларни тасвирга олиш учун рухсатнома бериш тизими самарали йўлга кўйилмаган. Хорижий кинокомпанияга бир фильм учун бир неча марта рухсатнома расмийлаштириш, тасвирга олиш муддатлари ва шартлари тўлиқ келишиб олинмаганлиги сабабли тинимсиз равишда рухсатномани янгилаш ҳамда

рухсатнома бланкаларини ноқонуний равишда кўпайтириш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирда юзага келган оғир вазиятдан (пандемиядан) ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, бюджетдан ажратилган катта маблағлар хисобига сўнгти йилларда яратилган янги фильмларни, улар ҳали тўлиқ прокат қилинмаган, халқаро кинофестиваллар ва кинобозорларда иштироки ҳамда пуллик намойишлари ташкил этилмаган бўлсада, ЎЭОАВМА тизимидағи нодавлат телеканалларда шартномасиз намойиш этишга бериб юборилган.

Бешинчи, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги тизимидағи корхоналар фильмлар ишлаб чиқариш фаолиятидан фарқли равишда тадбирлар ўtkазиш, тақдимотлар тайёрлаш ишларига жалб қилинган, ишга бюрократик тарзда ёндошув натижасида доимий равишда чора-тадбирлар режалари ва “йўл ҳариталари”ни тайёрлаш ишлари билан банд қилинган.

Бош директор томонидан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги тизимидағи студияларга доимий равишда роликлар тайёрлаш тўғрисида оғзаки топшириклар берилиб келинмоқда. Хусусан, Агентлик фаолиятини белгилаб берувчи норматив-хуқуқий хужжатларда назарда тутилмаган бўлсада, “Ўзбекфильм”, “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси”, “Мультипликацион фильмлар студияси” ва “Республика кинофонди” корхоналари томонидан **50 тадан ортиқ видеороликлар тайёрланган**. Бироқ, ушбу видеороликларни тайёрлаш учун Агентлик тизимидағи корхоналарга ва ишлаб чиқаришда иштирок этган ижодкорларга хизмат ҳақлари берилмаган.

Давлат киностудиялари, хусусан “Ўзбекфильм” киностудияси бевосита ўз фаолияти билан шуғулланиш учун 2020 йил учун 20 тадан ортиқ фильмлар сценарийларини “Ўзбеккино” Миллий агентлигига киритганига қарамасдан, биронта фильмни ишлаб чиқаришга рухсат берилмади.

2019 йилда Бадиий кенгаш қарори асосида ишлаб чиқаришга туширилган мультфильмлар учун **ойлик маошлари тўлови тўхтатилган**. Мультқаҳрамон образини яратиш бўйича “Мультипликацион фильмлар студияси” томонидан танлов эълон қилинган ҳамда 100 га яқин сценарийлар ва образлар келиб тушган. Бироқ танлов комиссияси йиғилишини ўтказиши, ғолибларни аниқлаш ҳамда мультфильмларни ишлаб чиқаришга тушириш ишлари хам асоссиз тўхтатилган.

Ёш киноижодкорларни қўллаб-кувватлаш борасида “Ёшлар ижодий тажриба студияси” ДУКга ёш киноижодкорлар билан учрашувлар ташкил этиш вазифалари юкланди. Учрашувларда бош директор топшириғи асосида студия томонидан планшетлар сотиб олинди ҳамда совға қилинди. Ёшлар иштирокидаги ўтказилган тинимсиз учрашувларда уларга грантлар берилиши ҳақида тинимсиз ваъдалар берилди. Бироқ сўнгги ярим йилда ёшлар иштирокида биронта янги фильм ишлаб чиқаришга туширилмади.

Бош директор топшириғи асосида “Республика кинофонди” ДУК томонидан 100 дан ортиқ фильмлар олтин коллекциялари тайёрланди ҳамда бош директорга топширилди. Фильмлар коллекциялари байрам совғалари сифатида вазирликлар ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотларга тарқатилди. Бироқ “Республика кинофонди” ДУКга тегишли тўловлар амалга оширилмади.

Натижада 2020 йил бошидан бери корхонанинг **17 нафар** ходими ойлик маошисиз меҳнат қилиб келмоқда.

Бундан ташқари, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги балансида бўлган бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш чоралари кўрилмаётганлиги, ушбу бинолардан ижара асосида фойдаланиб келаётган корхона-ташкилотлар билан 2020 йил учун ижара шартномаларининг тузилиши 4 ойдан бери ҳал этилмаганлиги сабабли давлат бюджетига ва Агентлик ҳисобига ўтказилиши керак бўлган катта микдордаги ижара тўловларининг тушуми таъминланмасдан қолмоқда.

Энг асосийси, ҳозирги кунда кинематография соҳаси ривожланиш бўйича комплекс ёндошув ва концептуал қарорларни қабул қилиш ўрнига соҳани ривожлантиришга мутлақо алоқадор бўлмаган фаолият билан шуғулланиб келмоқда. Ижро учун қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш учун яна бир нечта ички ҳужжатлар лойиҳаларини қайта-қайта тайёрлаш, муҳокама қилиш, назоратга олиш ҳамда доимий равишда асоссиз огоҳлантириш ва хайфсанлар бериш амалиёти қўлланилмоқда.

Энг муҳими, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ташкилий ва ижодий муҳитини таги билан бузиш, қўп йиллик тажрибага эга ходимларни четлатиб, уларнинг ўрнига кино соҳасидан йироқ бўлган, бош директорнинг ўзигагина қарашли одамларни бошқарма ва бўлимлар раҳбарлигига тайинлаш амалиёти йўлга қўйилди. Агентликда иш ўрнига ваъзхонлик, тадбирбозлик, кераксиз ишлар билан шуғулланиш, бюрократизм, шунингдек, хорижий давлатларга якка тартибда ёки ўз истагидаги одамлардан гуруҳлар тузиб сафар қилиш, бош директор ўринбосарлари ва тажрибали мутахассислар фикрига беписандлик билан қараш ёки уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини умуман инкор этиш амалиёти жорий этилди.

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга қарамасдан бош директор томонидан ходимлар, тизим ташкилотлари ва киноижодкорлар вакилларига тинимсиз равишида мантиқсиз топшириқлар бериш ҳамда бажарилмаганлиги учун жазолаш одатий ҳолатга айланди. Ваҳоланки ҳозирги вақтда фильмларни ишлаб чиқариш ва намойиш этиш фаолиятлари тўхтатилган.

Шунингдек, ходимларни ишдан бўшатиш мақсадида турли таҳдид ва қўрқитиши усусларини қўллаш, турли ҳил текширишлар уюштириш ва камчиликларни аниқлаш орқали ходимларни ишдан бўшатиш йўлида ҳаракатлар авж олган.

Молиявий ва ташкилий масалаларда вазирлик ва идоралардан фильмлар ишлаб чиқариш учун миллиардлаб сўм ва валюталарда инвестиция жалб этиш каби хаёлпарастлик (утопистик) ёндошувлар “Ўзбеккино” Миллий агентлиги олдига мамлакат Раҳбари ва Ҳукумати томонидан белгилаб берилган аниқ вазифалари ижросини хавф остига қўймокда.

Хурматли Абдулла Нигматович, Сиздан “Ўзбеккино” Миллий агентлигига ва кино жамоатчилиги орасида юзага келган жорий ҳолатларни ижобий томонга ҳал этиш, кино соҳаси мутахассислари ва ижодкорлар ўзларининг асосий вазифалари билан шуғулланишини таъминлаш борасида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Зеро, миллий кино санъати ва индустриясини ривожлантиришга юзаки ёндошув натижасида соҳанинг ривожланиши ва ижобий натижаларга эришиши имконияти кун сайин камайиб бормоқда.

Юқорида кўтаришган масалалар бўйича алоҳида тайёрланган маълумотлар (фактлар) тўпламлари илова қилинади.

Имзо чекувчилар:

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги тизими ходимлари,
Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзолари,
кино мутахассислари, ижодкорлар,
хусусий кино сектори вакиллари

Кинорежиссер
М. Махмудов М.М.

М. Ризаев Р.Р.

Ўзбекистонга дигисто рефасетни оғизаси
Мажлисию б. №.

Ўзбекистонга измиён курсантни шаҳаримга
тодилин, кинорежиссер пос. Азиз Насиров

Ўзбекистонге хизмати сін курбасиган оғизаси
Ренессир Михаров Абдухалим Абдуллаев

Ўзбекистонга хизмат ишратлак оғизаси

Комиклар йорнотиб

Ўзбекистонга курбасиган маддиий маддий
декоратор постами Ф. Салиев

Засл. арт. Уз. Назирова Б.Д. Бобек.
Засл. пед. культур. Уз. Нуходжанов А.
Узбекистонга хизмат. курдиян оғиси. Омеганов С.
Кинематографисти Қасимов З.Н.

Fox Music Cinema режиссири Т. Негматов

Кинематографисти Нигматов М. Риф

"Зодчествене" ДУК режиссери Бекирова Л.Р. Кадир

Сотрудник. 1971. Узбекистонда, Нар. Ок. Режисс.

Реж. сценарий и конс. кадр Султан Ш. Риф

Ово жанрни режиссери Абдуллаев Абдуллаев
Режиссерка етакчи муз-с. Махмудова Ай

А.Набий кечиджали кинокартина

(„Панорама“) УТАНОВ Б.С.

А.Набий кинодраматург

кинорежиссери О. Ошуб

Кинорежиссер Чилов Ахмедзинов Ай

"Cinema of central asia"

Кинорежиссер А.Бектурдиев Бор

Кинорежиссер С.Каримов Ай

Директор Телевизионного центра РУК Узбекистана Р. Гариф

"Astir animation studio" рахбари Кунгаров А.А.

Бывший замрукадзе (руководитель менеджерской) Задиев С.В.

"Узбеканиш" МА ходими А.М. Сардаров

Продюсер, кинохудожник Кичматов Н.А. Сардаров Н.

"РУК" одуванчи РУК директори Сардаров С.А.

"Ресодарни таштаги" РУК ходими Касымов Н.

"Узбеканиш" МА ходими Рахимбекова

М.З. и Салем Сарвар рахбар Чалимов Н.А.

М.У.Р. "Кинотүгел-Урсон" рахбари Сардаров М.С.

РУК, Узбекфильм" Кинооператори З.А. Гарипов

РУК, Кинотүгел жаркози "адабият" режиссери Халилов С.И.

"Узбеканиш" МА ходими Бонн горижончуков Мунаубеков

"Узбеканиш" МА ходими Бонн горижончуков О.Давлатов

"Узбеканиш" МА ходими Абдессанбаев Н.Т. Абдессанбаев

"Узбеканиш" МА ходими Р.Туррабекова

"Муҳнат" мөдени сакниб, "Этилори", "Гасано",

Булакея Ҳоджарада кинореспубликан ғодиёби

Музарракархон Йришов

кото сүзгөрсі, Рұзметтің шурасын браншызы — I. R. yes
Mamadjanov J. Z. Respublike kinofondi hədimi
Respublike kinofondi dəlik hədimi 200000 H.N. 779

Respublike kinofondi dəlik hədimi Təzəjəyər L. Ə. Ə.
"İşkəsə" Məzədiyev Məmmədov X. Y. 779
"Jenəbdəliyə" Kinooperator
Mərkəzi "Dəh" Azeezov N. 779

"Sintez film" stüdyosu direktori Hoxayev X. 100

"Dördüncü keşmən qəzəf nüvviyyəti" DYT
 direktori Rəcəbovluq M. A. Həsəff
 "Dəbdəmə" M. A. Məmmədov R. Məmmədov M. 779

Sh. M. 779 "Respublike kinofondi" DYT
 200000 H. N. 779

Res. Kinofond. R. 779. Rəzulov. P. 779

Kino Təqəffürovatı Xəzəndəz M. 779

Karimov M. A. 779

Dzhafarov M. M. 779

"Respublike kinoprosat" məz. xəzədiyev 779
Kinooperator Mırzəkəməlov P. 779

Художник дизайнер Господинов
Птичев Р.

Оператор-постановщик Нурат Жеканов. *Жек*

Кинооператор Абдулжанапов Махмут *Мах*

Аниматор. Дистрибутор Бишиев *Дист*

Кино-оператор Касымов Олеев Бакирович *Оле*

Техник номера Тораков Магамед Мугарбашев *Сан*

"Үзбеккисло" МА төркеми Касимов ба Р. *Роберт*

Хаснур менеджер Чилковов Иланов *Илан*

Актриса Шернатай Миретоз Садыханы кызы *Мир*
Кинокомпания "Узбекника" МА йылгылар борса (1996-2002) "Узбек-
фильм" кинодрама режиссора (1996-1999) ТМ Р.Рошет. сценарий
Резнатов Рахимов Матладовик *Матлад*

График Каримов Равиц. А. *Равиц*

Сынус Азимовна Касимова муз. наст. *Касим*

Звукореж. Рахимов Р. *Рахим*

Овог оператори Дауралбек б *Даур*

Овог Техники Рахимов А *Ахмет*

Фильмостекор Черитинов С. *Серик*

Ж. альбансер Сандукеев Р.Н *Роб*

Декораторы УХО Улгерсаб Н.Б. *Улгер*

худ.-график Шанова Г.А. 

Декоратор настяльных фресок Тумаков х. Р. 

Народный художник ДТС Дубровин О.Н. 

Художник

Сергей Михайлович

Г. С. Григорьев

Кардинал

Сергей Михайлович

Григорьев

Нар-к промышленности ГУП СМР "Рахманова О. Рахма-

нова" : Мамбетов В. А. 

Кинорежиссер: Шогенов А. Н. 

Народный артист СССР разработчик меню отеля

А. Турикова 

Продюсер "Inusion Pictures" Коннов Ш. Г. 

Художник Камалова Р. З. 

ЧСТ техник Сабиров Н. Н. 

Костюмерский художник ст. мастер Сабирова В. 



Сурож за сцену на ёжиков балетном балетмейстера

Махмутова Ф. 

Сурож за сцену на ёжиков балетном балетмейстера

Рагимова А. Г. 

"Балеткино" МА художни Б. Нужанов 

РУП "Музей студии" директор С. Тулебашев
художник член-студии Курматулов А.А.
Аниматор - Реж. Тулебашев Н.Н.
режиссёр-аниматор: Д. Власов 
художник О. Залевская: О.З.
Главный бухгалтер Чонекова З. 
Спец. производство Джураева С. 
Художник Джураева М. 
Бух. кассир член-студии Кусанов Р.Р. 
специалист музейной экспозиции Кусанов Р.И. 
Фотокомист член-студии Маженков М. 
Асс. ред. перегруппы Маженковой Е. 
Режиссёр спектакля Маженкова Е. 
Режиссёр музея Маженкова Г.Р. 
Дизайнер музея Маженкова Г.Р. 
Кино музей от художника Р.Н. 
Музей юрист Рахимов Р.Р. 
Аниматор член-студии Абдулжанов Ж.М. 